

ЯНВАРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Мен ва менинг танам					
Муддати		Январнинг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	“Сув, қуёш, ҳаво –танамизга даво” шиори остида тадбирларини амалга ошириш. Кун тартибига амал қилган ҳолда болаларни очиқ ҳавода бўлишларини таъминлаш. Ўз ташқи қиёфасига эътиборли, саранжом-сариштали бўлишга ўргатиш. Овқатланиш тартибига риоя этиш, сабзавот ва мевалар ҳамда фойдали маҳсулотлар истеъмол қилишни ўргатиш. Тарбиячи имо-ишораси асосида бир-бирини тurtмасдан, бир-бирини ҳурмат қилиб ҳаракатланишга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин мавзуси, ўзининг роли ва ўйин ҳаракатлари асосида ролларни ижро этиш. Предметларнинг ўрнини босувчи предметлардан фойдаланишни билиш, ролли диалог олиб бориш, ўзаро ролга киришни билиш. Ўзини тутиш ва мулоқот маданияти қоидаларини билиш ва унга риоя қилиш. Раҳбарлик усуллари: ролларни тақсимлаш, ролли диалогни амалга ошириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўйинчоқлар номлари билан таништириш; уларни ўлчами бўйича таққослаш, қайси материалдан ясалганини аниқлаштириш ва айтиш, кўплик шаклларида тўғри фойдаланиш, сюжетли композицияларни яратишни ўрганиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ўйинчоқлар ҳақида болалар тасаввурини ошириш. 5 гача тартиб рақамни айтишни машқ қилиш, предмет тасвирларида геометрик шаклларни топиш, узунлиги ва ўлчами бўйича предметларни таққослаш					
	Ижодий ривожланиш	Сокин овозда мусиқа ритмига мос ҳолда қўшиқ айтишни билиш. Қоғоз билан ишлашни билиш. Катта шаклларни яратишда тасаввурни ривожлантириш. Мусиқа жанрларини таққослашни билиш					
Эркин фаолият	Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
	Қуриш-ясаш ва математика	Яшаш: Ҳаракатланувчи қисмлари мавжуд бўлган картондан ясалган айиқча. Қуриш: Қўғирчоқ хонаси			5 гача ҳисоблаш. Геометрик шакллар. Тушунча: катта-кичик, калта-узун		Керакли анжомлар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	Ўйинчоқлар дўкони Мактабгача таълим муассасаси					Ўйинчоқлар тўплами, қўғирчоқ
	Тил ва нутқ	Тақдимот: Менинг ўйинчоқларим		Ҳикоя тузиш: Менинг қўғирчоқларим		Сюжетли расмлар, АКТ, сюжетли расмлар	
	Фан ва табиат	Тажриба: «Резина копток хусусиятлари»					Копток, геометрик шакллар тўплами, турли катталиқ ва узунликдаги буюмлар
	Санъат	Расм чизиш: Пирамида			Яшаш: Чумчуқ		Қоғоз, рангли бўёқ, тупроқ, чумчуқ шаблони, рангли қоғоз, елим, салфеткалар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ЯНВАРЬ УЧИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ТАНАМ

Қуриш-ясаи ва математика маркази

Қўғирчоқ хонаси

Мақсад: болалар ижодий фикрлашни ривожлантирадilar, 5 гача ҳисоблашни билади, тасвирланган предметларда геометрик шакллари топадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: катта кути, қурилиш materiali тўплами, иккита қўғирчоқ, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Қўғирчоқ хонасини қуришнинг схемаси билан танишиш.
3. Materialлар ҳажмларини тўғри танлаш, режа бўйича хонани қуриш.
4. “Қўғирчоқ учун совғалар” таълимий ўйини
5. “Қўғирчоқнинг уйига меҳмонга борамиз” сюжетли ўйини

Қўшимча: “Қўғирчоқни кийинтирамиз” ривожлантирувчи ўйин

Эътиборга молик жиҳати: тасаввур асосида ўлчамларни белгилаш

Қуриш-ясаи ва математика маркази

Ясаи: Ҳаракатланувчи қисмлари мавжуд картондан ясалган айиқча

Мақсад: болалар турли ўлчамдаги қисмлардан айиқ шаклини тарадилар, шакли ва катталиги бўйича турли геометрик шакллари айтадилар, ташландиқ материаллардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ы : ташландиқ материал, ҳар бир бола учун айиқнинг контурли танаси қисмлари, пластилин.

Фаолиятнинг бориши: болалар айиқ тасвири туширилган расмларни кўриб чиқадилар, айиқнинг ташқи кўриниши ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашадилар.

1. Айиқ ҳақида шеър ўқиш (тинглаш).
2. Айиқ танаси қисмларини бирлаштириш.
3. Тайёр ишлар намойиши
4. Айиқлар ҳақида эртак тўқиш ва уни айтиб бериш

Қўшимча: ёввойи ҳайвонлар ҳақида фильм томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: қўл майда моторикасини ривожлантириш.

Қуриш-ясаи ва математика маркази

5 гача ҳисоблаш. Кўп-кам, калта-узун тушунчалари

Мақсад: болалар 5 нинг келиб чиқишини биладилар, предметларнинг узунликларини таққослайдилар, узун-калта сўзларидан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: : 3 дан 5 гача чизилган буюмлар расми, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан биргаликда бешгача бўлган предметларни санаш.
2. АКТ орқали намойиш қилинган предметларнинг кўп-кам, калта-узунлигини таққослаш.

3. “Фарқини топ” таълимий ўйини
4. Хулосаш. Рағбатлантириш

Қўшимча: 5 донa қурилиш материалларидан иморатлар қуриш.

Эътиборга молик жиҳати: бешгача бўлган тартиб рақамини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ўйинчоқлар дўкони” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар бир-бирига ёрдам беришга ўрганадилар, луғат бойлигини оширадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дўконда сотиб олиш мумкин бўлган моллар, қоғоз пуллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дўкон турлари ҳақида суҳбат
2. Ролларни тақсимлаш (сотувчи, харидор)
3. Тақдим этилган сценарий бўйича ўйин жараёни
4. Сотилган ва сотиб олинган моллар таҳлили

Қўшимча: дўконга экскурсия.

Эътиборга молик жиҳати: Касблар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, сотувчининг харидорларга муносабати, мулоқот маданияти ҳақида суҳбат.

Сюжетли-ролли ўйин ва театрлаштириш маркази

“Мактабгача таълим муассасаси” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар мактабгача таълим муассасаси ҳақидаги билимларини ошарадилар, у ердаги касб эгалари - тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, ошпаз, мусиқа раҳбари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар, катталарга тақлид қилиш, бир-бирларига меҳрибон бўлишни ўргатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўйинчоқлар, оқ халат, бош кийим.

Фаолиятнинг бориши:

1. Боғча расмларини томоша қилиш.
2. Ўйин жиҳозлари билан танишиш.
3. Ролларга бўлиниш.
4. Ўйин жараёни.
5. Ролларни алмаштириб ўйнаш
6. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: катта бўлганингда ким бўлишни хоҳлайсан?

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тафаккурни ривожлантириш, жамоавий ўйинда ролларни тақсимлашга ўргатиш.

Тил ва нутқ маркази

Менинг ўйинчоқларим

Мақсад: болалар ўйинчоқлар ҳақида тавсифий ҳикоялар тузишни биладилар, нутқ маданиятини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар танловига кўра ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқлар расмларини кўриш.
2. “Менинг севимли ўйинчоғим” мавзусида суҳбат.

3. Болаларнинг ўз ўйинчоқларини таснифлашга тайёргарликлари.
4. Болалар иш жараёни.
5. Рағбатлантириш

Қўшимча: ўйинчоқлар ҳақида топишмоқлар. Ўйинчоғи ҳақида эртак тўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйинчоқлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, билиш қобилиятини ривожлантириш, нарсаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш

Тил ва нутқ маркази

Менинг ўйинчоғим. Ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар оғзаки нутқни ривожлантирадilar, ўйинчоқларнинг кўринишига қараб турини аниқлаш, мантикий фикрлашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли кўринишдаги ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Ўйинчоқлар ҳақида ҳикоя тузишда маъно жиҳатидан мос келадиган сюжетли расмларни танлаш.
3. Расм асосида ҳикоя тузиш.
4. Тақдимот.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи ўйинчоқлар ҳақида шеър, эртак, мультфильмларни эслашни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: мантикий фикрлашнинг ривожланиши.

Фан ва табиат

Резина копток хусусиятлари. Амалий тажриба

Мақсад: болалар кўриш, ушлаб кўриш ва ҳис қилиш орқали резинанинг хусусиятларини биладилар, атроф-оламни фаол англашга интиладilar.

Керакли жиҳоз ва материаллар: елим, резина, ҳаво коптоклари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Бу нимадан ясалган?” таълимий ўйин
2. Елим, резина ва чарм коптокларни таққослаш.
3. Таҳлил этилган коптоклар ҳақида хулоса.
4. Якун: “Резинадан қандай буюмлар ясалади?” таълимий ўйин

Қўшимча: копток расмини чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: кўриб эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш.

Санъат маркази

Расм: Тебранма қўғирчоқ

Мақсад: болалар тебранма қўғирчоқни биладилар, бажарган ишларидан завқланадилар, расмда ўз композицияларини яратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, буёқ, мўйқалам, сув солинган стаканлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тебранма қўғирчоқ қисмларини кўриб чиқиш.
2. Тебранма қўғирчоқ ҳақида ҳикоя тузиш.
3. Болаларнинг ижодий ишлари

4. Қўғирчоқни безатиш.
5. Болалар ишлари намойиши.

Қўшимча: ўйинчоқларни кўриб чиқиш, тебранма қўғирчоқ ҳақида топишмоқлар топиш ва қўшиқ тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: композицияни бойитиш.

Санъат маркази

Яшаш: Чумчуқ

Мақсад: болалар турли ўлчамдаги шакллардан тасвирлар ҳосил қиладилар, қисмларни бирлаштиришни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:пластилин, чумчуқ расми, тайёр намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қуш тасвирланган расмларни кўриб чиқиш.
2. Ишнинг босқичлари ва схема билан танишиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.
4. Иш якуни. Кўргазма ташкил этиш

Қўшимча: чумчуқ ҳақида ҳикоя тузиш, ҳаракатли ўйинлар ташкил этиш

Эътиборга молик жиҳати:ўз ишини таҳлил қилиш.